

УДК: 619:636.5

ЖЎЖАЛАР ЭЙМЕРИОЗИ ВА ПУЛЛОРОЗИ АССОЦИАТИВ ШАКЛИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШ САМАРАЛАРИ

Худжамшукуров А.Н.

Ражабова М.А.

Ҳошимов С.Ф.

Бойматов Б.Б.

Жумаев М.Ф.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети

Аннотация. Цыплята в первые 2 -3 недели развития часто заболевают пуллорозом и эймериозом и в большинстве случаев погибают, в то время как у выздоровевшей птицы к двух месячному возрасту удваивается бактерионосительство. Зараженная птица отстаёт в росте и развитии, смертность составляет 40-60%. Пуллороз отрицательно влияет на формирование у птицы иммунитета против к эймериозу, способствуя выделению во внешнюю среду эймериевых ооцист.

Ключевые слова. Птиц, протозооз, эймериоз, еймериа тенелла, эндоген, препарат, инфекция, пуллороз, паразитоценоз, контагиоз.

Мавзунинг долзарблиги. Паррандачилик бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари жумладан, 2022-йил 28- январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2018-йил 13-ноябрдаги ПҚ – 4015-сон “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021-йил 14-июндаги ПҚ-5146-сон “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озиқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022-йил 24-январдаги ПҚ-100-сон “Паррандачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, ва 2022-йил 31-мартдаги ПҚ-187-сон “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишнинг ижросига йўналтирилади.

Ушбу вазифаларни ижросини таъминлаш учун паррандачилик тармоғи бугун ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари асосида, соғлом эпизоотик муҳитда ривожланиши, унга режали, сифатли ва самарали равишда ветеринария хизмати кўрсатишни ташкил этиш, республикада паррандаларнинг ўсиш суратини янада жадаллаштириш имкониятини таъминлайди. Ҳозирги пайтда республикамизда мавжуд парранда бош сонининг кўп қисми фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги кичик товуқчилик фермаларида алмашинмайдиган тўшамалар ёки ер шароитида сакланади, шу билан биргаликда кўп учровчи инвазион (кокцидиоз) ва айрим юқумли (энтеробактериоз) касалликлари оқибатида ёш ва ўсувчи (10-90 кунлик)

жўжалар нобуд бўлиши кузатилади. Жўжаларни асрашда озуқа сарфи ҳамда ветеринария ҳаражатларининг ортиши ва паррандалардан келажакда фойдаланишда (тухумдорлик, гўштдорлик) кўрсаткичларининг камайиши эвазига фермер, деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлари катта иқтисодий зарар кўради.

Республикамыз қишлоқ хўжалигида паррандачиликни ривожлантиришга салмоқли улуш қўшиш ва уни етарли даражада маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқилган ҳамда кенг доирада фойдаланиш мумкин бўлган дори воситаларини қўшимчалар билан қўллаш бугунги кунда ветеринария фани олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда кенг жамоатчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаси олдида турган энг долзарб вазифалардан бири озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Республикамыз аҳолисининг арзон ва сифатли парранда – парҳез озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада етарли даражада қондиришга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилишида чорвачиликда, айнан, паррандачилик тармоғи, жумладан товуклар орасида учрайдиган инвазион ва айрим инфекцион касалликлар ҳамда уларнинг аралаш патологиялари энг асосий тўсиқлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Касалликларни даволаш, олдини олиш тадбирларини олиб боришда арзон ҳамда самарали препаратлардан фойдаланиш лозим.

Маълумки товукларда эймериоз ва пуллороз касалликлари, уларнинг қўзғатувчиларини мавжудлиги ҳамда турли хил стресс омиллар сабабли намоён бўлади. Бу касалликларни даволаш учун эймериостатиклар ва антибиотиклар алоҳида-алоҳида қўлланилиб, тўлиқ белгиланган дозада ишлатилади. Ҳозирги вақтда дунё миқёсида ҳар бир касалликни олдини олиш ҳамда сифатли даволаш мақсадида касаллик қўзғатувчиларининг резистентлиги ортган препаратлардан синергетик аралашмалар тайёрлаб янги премиксли препаратлар ихтиро қилинмоқда. Бу дори-дармон турлари оз миқдорда ҳар хил кимёвий гуруҳларга мансуб бўлган дори моддаларидан турли хил нисбатларда қўшиб тайёрланиб паразитар ва инфекцион касалликларни бирданга олдини олиш ва даволаш мақсадида ишлатилади. Айни пайтда ушбу препаратлар касалликларни самарали даволабгина қолмасдан, организмнинг заҳарланиш даражаси пасайиш ҳисобига маҳсулдорлиги ошади.

Ушбуларни ҳисобга олган ҳолда “коликокцид” синергетик аралашмасини товукларнинг эймериози ва пуллорозининг ассоциатив шаклини даволаш ва олдини мақсадида паррандачилик амалиётида жорий қилинган [2;3;4;5;6;].

Тадқиқот материаллари ва услублари. Тадқиқотлар Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон тумани шахсий ёрдамчи хўжаликларида гўшт учун боқилаётган бройлер жўжаларда олиб борилди. Каттакўрғон туманининг “Инам яхши” қишлоғи фуқароси Эшқувватов Дадахон хонадони, бунда 2 та хонада бройлер жўжалари боқилмоқда: биринчи хонада 1200 бош жўжа энрофлорксацин препарати 1 литр ичимлик сувига 0,5 дан узлуксиз 3 кун давомида қўлланилган тажриба гуруҳи (хўжалик усули), иккинчиси 1720 бош жўжа коликокцид аралашмаси 1000 мг/кг озиқа билан 10 кун давомида +5 ...- 3 ...+5 .. схема бўйича синалган тажриба гуруҳида ўтказилди. Мазкур туманнинг

“Абулқосим” қишлоғида 2- хонадон Шодиев Собир қарамоғида ўстириладиган жўжалар 3- гуруҳ деб олинди, бу ерда 400 бош бройлер йўналиши жўжа боқилмоқда. Уларга ампролиум препарати (125мг/кг емга) кундалик омихта емга яхшилаб аралаштирилган ҳолда 10 кун давомида қўлланилди. Жўжахоналарда ер шароитида, жойига тўшамалар тўшалган ва жойлаштирилган. Жами тажрибадаги жўжалар 3 та гуруҳ деб ҳисобланди.

Бу гуруҳларда озиклантириш бир хил тўла қийматли рацион асосида боқилаяпти. Асралиш шароитлари ҳам бир хил ёпиқ бинолар, полига тўшамалар ташланган, вентиляция шароитлари қилинган. Препарат самарадорлиги жўжаларнинг сақланувчанлик кўрсаткичлари ва жўжа тирик вазнининг ортишига қараб баҳоланди.



Натижалар ва уларнинг таҳлили. Хўжалик шароитидаги тажрибаларнинг натижалари шуни кўрсатадики, “Инам яхши” қишлоғида Эшқувватов Дадахон хонадонидаги 1 – гуруҳда 1200 бош жўжаларида пуллорозга хос айрим клиник белгилар кузатилган бўлсада турли хил сабабларга кўра, ўлим, гуруҳдаги 67 бош жўжада кузатилган бўлиб, 5,6 % ни ташкил этди. Кунлик тана вазн ортиши ўртача 35-45 гр га тенг бўлди.

2 - гуруҳ шу хонадондаги 1720 бош жўжаларда сақланувчанлик кўрсаткичи, 98,6 % ни ташкил этиб, 24 бош жўжа ўлганлиги қайд этилди. Ўртача кунлик тана вазн ортиши 45-50 гр га тенг бўлди.

3- гуруҳ Каттакўрғон тумани “Абулқосим” қишлоғида Шодиев Собир хонадонидаги 400 бош жўжаларда сақланувчанлик кўрсаткичи, тажриба охирида 29 бош жўжа ўлган, сақланувчанлик 92,75 % ни, ташкил этмоқда. Ўртача кунлик вазн ортиши 35-40 гр га тенг.

Шундай қилиб, 1 ва 3 тажриба гуруҳи жўжаларига белгиланган кун давомида бирданига энрофлоксацин ҳамда Ампролиум препаратларини қўлланмасига асосан берилганда сақланувчанлик даражаси 94,4 % -92,75 % ни ташкил этган. Яъни даволаш муолажаси бир тудаги кўзгатувчиларга

йўналтирилган. 1- гуруҳда энрофлоксацин – энтеробактериозга қарши қўлланилиб, эймериоз касаллиги кўпроқ хуруж қилган. 3-гуруҳда эса аксинча, эймериозга қарши ампролиум берилган пуллороз хуружи юқори бўлган. 2 - гуруҳ жўжаларига коликокцид аралашмаси +5 ...- 3 ...+5 ... схемаси бўйича қўлланилганда бир пайтда эймериоз ва пуллорознинг профилактикаси таъминланган сақланувчанлик 98,6 % ни ташкил қилди.



Қўлланилган препаратларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

- Жадвал

| № | Гуруҳ номи | Препарат номи | Препарат дозаси | Жўжа бош сони | Сақланувчанлик (%) | Ўлим (%) | Ўлган жўжа сони (бош) | Ўртача кунлик вази ортиши |
|---|--|---------------|------------------------|---------------|--------------------|----------|-----------------------|---------------------------|
| 1 | Каттақўрғон тумани Инам яхши қишлоғи “Шахсий ёрдамчи хўжалик” (Эшқувватов Дадахон) ака | Энрофлоксацин | 0,5/1 литр сувга | 1200 | 94,4 | 5,6 | 67 | 35-45 |
| 2 | Каттақўрғон тумани “Шахсий ёрдамчи хўжалик” (Эшқувватов Дадахон) | Колікокцид | 1000 мг/кг озиқа билан | 1720 | 98,6 | 1,39 | 24 | 45-50 |
| 3 | Каттақўрғон тумани “Абулқосим” қишлоғи “Шахсий ёрдамчи хўжалик” (Шодиев Собир) | Ампролиум | 125мг/кг емга | 400 | 92,75 | 7,25 | 29 | 35-45 |

Каттақўрғон туманидаги хусусий хонадонларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари шароитида ўтказилган жорий қилиш тажрибаларининг натижаларига асосланиб хулоса қилинганда коликокцид синергитик аралашмали препарат жўжаларнинг эймериози ва пуллорозининг профилактикасида самарадорлиги юқори эканлиги аниқланди.

Хулосалар:

1. Жўжа эймериозининг тарқалиши паррандаларни асраш, озиклантириш ва йил мавсумлари шароитига кескин боғлиқ бўлиб унинг экстенсив ва интенсив кўрсаткичлари турли даражаларда кузатилди.

2. Коликокцид премикси янги +5...-3...+5.. схема бўйича жўжалар экспериментал эймериози ва пуллорозининг ассоциатив кечишида даволаш ва олдини олиш мақсадида бройлер ва тухум йўналишига қўлланилганда организмда касалликга қарши ҳосил бўладиган иммунитетга салбий таъсир этмади ва уларнинг сақланувчанлигини 98,6 % га етказди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Khujamshukurov, A. N. (2021). Improvement Of Chemoprophylaxis Of Chicken Eimeriosis. *NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal/ NVEO*, 884-887.

2. Xudjamshukurov, A. N., Berdiyev, X. R., & Chorshambiyev, A. B. (2022). JO 'JALAR PULLOROZINI TABIIY REZISTENTLIKNING PASAYISHI EVAZIGA NAMOYON BO 'LISHI. *AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIIY JURNALI*, 487-489.

3. Rustamov, B. S., & Xudjamshukurov, A. N. (2023). KURKALAR GISTOMONOZINING TARQALISHI VA DAVOLASH TADBIRLARI. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(4), 1041-1045.

4. Xudjamshukurov, A. N., & Asanov, A. U. (2024). IMPROVEMENT OF CHEMOPREVENTION OF EIMERIOSIS IN CHICKENS. *Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education (2994-9521)*, 2(3), 142-145.

5. Abduraimov, A. A., Rustamov, B. S., & Xudjamshukurov, A. N. (2023). Kurkalar gistomonozini tarqalishi va davolashda metronidazol va furazolidon preparatlarining samaradorligi. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(4), 1046-1051.

6. Davlatov, R., Ruzikulov, N., & Xudjamshukurov, A. N. (2018). Comparative efficacy of anticoccidic preparations in experimental eimeriosis in fowl. *International Journal of Applied Research* 2018, 4(7), 319-321.

7. Davlatov, R. B., & Xudjamshukurov, A. N. (2018). Eksperimental tovuq eymeriozida sinovdan o 'tkazilgan preparatlar samaradorligi. *Toshkent davlat agrar universiteti "O 'zbekiston respublikasi qishloq xo 'jaligi sohasi samaradorligini oshirishda ilmiy tadqiqot institutlari va oliy ta 'lim muassasalarining rolini oshirishning dolzarb masalalari" mavzusidagi ilmiy amaliy konferensiya materiallari to 'plami/2-kitob*, 22-23.

8. Khudjamshukurov, A. N., Allazov, A. S., Klichov, O. I., Asanov, A. U., & Rakhmatova, E. (2024). Efficacy of Eimeriostat Preparations In Experimental Eimeria of Chickens. *Valeology: International Journal of Medical Anthropology and Bioethics (2995-4924)*, 2(5), 204-207.

9. Davlatov, R. (2013). JO'JALAR PULLOROZINI DAVOLASHDA YANGI ANTIBIOTIKLARNI QO'LLASHNING NATIJALARI.

10. Davlatov, R. B., & Xudjamshukurov, A. N. (2020). Jo 'ja eksperimental eymeriozida qo 'llanilgan eymeriostatlar. In *International scientific-practical online conference on "Emergency management and public health research in asia*.

11. Davlatov, R. B., Xudjamshukurov, A. N., & Rustasov, B. (2017). Parrandalar kasalliklari. o 'quv qo 'llanma, Samarqand-2018.
12. Xudjamshukurov, A. N. (2021). Improvement Of Chemoprophylaxis Of chicken Eimeiosis. *Nat. Volatiles & Essent. Oils*, 8(6), 884-887.
13. Xudjamshukurov, A. N., & Sh, X. J. (2021). Effests of drugs on blood indicators in mixing chicken eimeriosis and pullorosis. *ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal//https://saarj. com, Impact Factor: SJIF*, 7.
14. Abdukarimovich, Y. T., Nurmamatovich, K. A., & Kakhramonovna, S. S. (2022). Crisis of the Age of Maturity, The Formation of The Image of "I". *Global Scientific Review*, 9, 21-25.
15. Salimov, I., Salimova, D., Salimov, H., Xudjamshukurov, A., & Qambarov, A. (2024). Specific prevention of emphysematous carbuncle of cattle and sheep. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 95, p. 01036). EDP Sciences.
16. Bakirov, B., Daminov, A. S., Ro'ziqulov, N. B., Toylaqov, T. I., & Saydaliyev, D. (2019). Qurbonov Sh. *Boboyev OR, Xo 'djamshukurov A. Hayvonlar kasalliklari. Ma'lumotnoma. Ikkinchi nashri. Samarqand*, 344-347.
17. Худжамшукуров, А. Н., & Давлетов, Р. Б. (2019). РАСПРОСТРАНЕНИЕ ЭЙМЕРИОЗА КУР В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ИСПЫТАНИЕ ЭЙМЕРИОСТАТИКОВ ДЛЯ ЕГО ПРОФИЛАКТИКИ. In *СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В РАЗВИТИИ АПК* (pp. 167-171).
18. Nurmamatovich, K. A., & Ogli, K. S. I. (2021). Effects of drugs on blood indicators in mixing chicken eimeriosis and pullorosis. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 615-617.